# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2014 йил Соғлом бола йили

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi | www.qishloqhayoti.uz | 2014-YIL 9-SENTYABR, SESHANBA, 108 (8345)-son | 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan | Bahosi kelishilgan narxda.


## ЯГОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, СЕВГИ ВА САДОҚАТИМ СЕНГА БАХШИДА, ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОНИМ!

Фарғона Вилояти






# АСОСИЙ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

**“Фарғона-Турон-Текстил” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилган модернизация ишлари маҳсулотлар сифатини тубдан яхшилаш имконини берди. Айни вақтда корхонада бир кунда 17 тоннага яқин ип-калава ишлаб чиқарилмоқда.**

– Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг 80-85 фоизини экспорт қиляпмиз, – дейди корхона директори Жума Муродов. – Корхонамиздаги иш жараёни замонавий технологияда ташкил этилган. Ип-калава тайёр ҳолга келгунга қадар толага аввал тайёрлов цехида ишлов берилиб, йигирув цехига, сўнгра калавалаш цехига ўтказилиб пиширилади. Эшиш цехида эса икки қаватли ип бир-бирига қўшиб эшилгач, пишитиш амали бажарилади.

– Замонавий дастгоҳлар жаҳон андозаларига жуда мос ипкалава ишлаб чиқаради, – дейди корхона бош муҳандиси Муҳаммаджон Раимжонов. – Бу эса маҳсулотларимиз харидоргирлигини таъминламоқда.

Ўтган йили етти минг тоннага яқин сифатли калава-ип тайёрлаб, истеъмолчиларга етказиб берилган эди. Жорий йилнинг ўтган даврида тайёрланган калава-ип эса 3,5 минг тоннадан ортиқни ташкил этди.

Айтиш керакки, корхонада фаолият юритаётган 550 га яқин ишчи-ходимларнинг аксариятини касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшлар ташкил этади. Эркин Ғоипов, Малоҳат Нортожиева, Абдураззоқ Қорабоев, Иномжон Жалолов каби мутахассислар самарали меҳнат қилиб келмоқда.

– Касб-ҳунар коллежини жорий йилда тамомлаб, шартнома асосида ушбу корхонага ишга кирдим, – дейди Жавоҳир Абдуҳамитов. – Бизга бу ерда барча шароитлар яратилган. Шундай корхонада ишлаётганимиздан хурсандмиз.

**Ҳамиджон БУРҲОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**







# ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯ КОНГРЕССИ БЎЛИБ ЎТДИ

**Пойтахтимизда Халқаро спорт курашлари ассоциациясининг ҳисобот-сайлов конгресси бўлиб ўтди. Унда юздан ортиқ мамлакат федерациялари раҳбарлари, спорт уюшмалари ва компаниялари вакиллари иштирок этди.**

Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси раиси Мираброр Усмонов, Халқаро спорт курашлари ассоциацияси президенти Ненад Лалович ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бунинг самарасида Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги салоҳияти ва нуфузи тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Мамлакатимизнинг барча шаҳару қишлоқларида бунёд этилган спорт мажмуаларида болалар ва ёшлар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлигини мустаҳкамламоқда. Малакали устоз ва мураббийлар кўмагида катта спортга қадам қўймоқда. Профессионал атлетларимиз замонавий ўқув-машғулот базаларида илғор услублар асосида маҳоратларини ошириб бормоқда.

Юртимизда Олимпия спорт турлари жадал ривожланиб, спортчиларимиз халқаро мусобақаларда юксак натижаларга эришмоқда. Бу борада эркин ва юнон-рум кураши бўйича терма жамоамиз етакчидир. Полвонларимиз Олимпия ўйинларида 4 олтин ва 3 кумуш медални қўлга киритган. Яқинда Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар Олимпиадасида юнон-рум кураши бўйича олтин медални қўлга киритган Илҳом Баҳромов юртимизда курашчиларнинг муносиб авлоди етишиб чиқаётганини исботлади.

Мамлакатимиз нафақат истеъдодли полвонларни тарбиялаш, балки кураш бўйича халқаро мусобақаларни юксак савияда ўтказиш борасида ҳам довруқ қозонган. Ўтган йилларда юртимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, Олимпия саралаш турнирлари муваффақиятли ўтказилган.

2011 йили Туркияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати доирасида 2014 йилги жаҳон чемпионатини қайси мамлакатда ташкил этиш масаласи муҳокама этилган эди. Эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасида ташкил этиладиган ушбу нуфузли мусобақани ўтказишга Ўзбекистон, Швеция, Финляндия, Венгрия, Хорватия, Польша, Эрон, Озарбайжон сингари ўндан ортиқ давлатлар даъвогарлик қилган эди. Юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, ривожланган спорт инфратузилмаси, мусобақаларни юқори савияда ўтказиш тажрибаси эътиборга олиниб, мезбонлик ҳуқуқи бир овоздан мамлакатимизга берилди.

Халқаро спорт курашлари ассоциацияси аъзолари бу танлов тўғри бўлганини, Тошкентда жаҳон чемпионатини ўтказишга юксак савияда тайёргарлик кўрилганини таъкидлади.

Конгрессда Халқаро спорт курашлари ассоциацияси томонидан амалга оширилган ташкилий ишларга оид ахборотлар тингланди.

Йиғилишда ташкилотнинг номини ўзгартириш масаласи муҳокама этилди. Ташкилот бундан буён Бутунжаҳон кураш иттифоқи (United World Wrestling) дея юритилиши эълон қилинди. Мажлисда UWWнинг янги Конституцияси, Низоми, Допингга қарши регламенти каби бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Ташкилотнинг 2014-2016 йиллардаги бюджети, истиқболли режалари тасдиқланди.

Конгресс аъзолари Бутунжаҳон кураш иттифоқи раҳбарлигига Ненад Лаловични сайладилар. Ушбу нуфузли ташкилотнинг Бюро аъзолигига ҳамюртимиз Аҳрол Рўзиев қайта сайланди.

– Ташкилотимиз тарихида янги даврни бошлаб берган ушбу конгресснинг Ўзбекистонда ўтказилгани чуқур маъно-мазмун касб этди, – деди Бутунжаҳон кураш иттифоқи президенти Ненад Лалович. – Бугун Ўзбекистон барча жабҳаларда, жумладан, спорт соҳасида ҳам дунёда ўз ўрнига эга. Президент Ислом Каримов томонидан болалар спортини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, барча ёшдаги ўғил-қизларни қамраб олган уч босқичли спорт ўйинлари ўтказилаётгани натижасида Ўзбекистон спортчилари халқаро майдонда улкан ютуқларга эришмоқда. Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида юртингиз ёшлари 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритгани ҳам ана шу юксак эътибор самарасидир. Тошкентда эркин, юнон-рум ва аёллар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг юқори савияда ўтишига ишонаман. Чунки бунинг учун мамлакатингизда барча зарур шароит мавжуд.

Анжуманда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев сўзга чиқди.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

Андижон Вилояти

▼ ДЕФОЛИАЦИЯ

# МАВСУМ ОСТОНАСИДАГИ МУҲИМ ТАДБИР



**Пахтаобод туманидаги “Авангард” фермер хўжалиги раҳбари Абусаид Ҳабибуллаев йиғим-терим олдидан ғўза баргини сунъий тўктиришга алоҳида эътибор қаратади. Ҳосилдорлик борасида доимий равишда “40 центнерчилар” сафида бўлиб келаётган Абусаид жорий мавсумда ҳам ушбу анъанага содиқ қолиш ниятида. Унинг ғўза майдони чоғроқ, салкам 20 гектар. Устози ва падари бузруквори Абдувоид Ҳабибуллаев ҳам катта деҳқонлардан бири.**

Август ойининг сўнгги кунларида ғўза майдонларини оралаб чиққан Абдувоид ота ўғли меҳнатидан кўнгли тўлди. Сўнгра улар ғўза баргини сунъий тўктиришга келишиб олишди. Фермер хўжалигида унумдорлиги юқори бўлган моторли пуркагич бор. “Қишлоқхўжаликкимё” ОАЖнинг туман бўлимига қарашли ишчи эритмаси тайёрловчи марказлашган шохобчага мурожаат қилингандан сўнг суюқлик етказиб берилди. Салкам 4 кун деганда моторли пуркагич билан ғўза баргига кимёвий препарат бир текисда сепилди.

“Авангард” фермер хўжалиги жойлашган Ёқубов номли массивдаги барча фермерлар дефолиациянинг аҳамиятини яхши билишади. “Ўткир Шокиров” фермер хўжалиги раҳбари Бакирали Раҳмонов ҳам Абусаиддек йиғим-терим олдидаги энг сўнгги агротехник тадбирни қисқа кундаёқ якунлади. У фермерликнинг саккизинчи мавсумида ҳам ҳосилдорликни 40 центнердан зиёдга етказиш харакатида. Куни кеча массив миқёсида тадбир ўтказилиб, унда дефолиация борасида тажриба алмашилди.

Балиқчи туманидаги “Эргашали Усмон боғи” фермер хўжалигининг далалари катта магистрал йўл ёқасида жойлашган. Йўлдан ўтган киши беихтиёр далага назар ташлайди. Бу ерда салкам 20 гектар майдонда ғўза дефолиацияси амалга оширилган. Баргларнинг тўкилиши равон бормоқда. Далада ғўзаларнинг лўппи пахталар билан безалиши тезлашмоқда.

Фермер Баҳодир Усмоновнинг махсус ён дафтари бор. Ушбу дафтарда фермер бўлган 2007 йил баҳоридан буён ўтган ҳар кунги об-ҳаво, дала ишлари, кунлик йиғим-терим ўз аксини топган. 2013 йили бир теримда хўжаликда шартнома режасигина бажарилиб қолмасдан, фермер кутган юқори ҳосилдорлик қайд этилди. Ҳар гектар ердан 43,8 центнердан олий нав ҳосил йиғиб олинди.

Балиқчи туманида Баҳодир Усмонов каби ғўза баргини тўктиришга енг шимариб киришадиган фермерлар кўп. “Қишлоқхўжаликкимё” ОАЖнинг туман бўлимига “Менинг даламга қачон навбат келади” дея мурожаат этадиган фермерлар талаби билан ушбу агротехник тадбир белгиланган муддатидан 3 кун аввал бажарилди. Туман бўйича 34 та пуркагич ва 117 та қўл аппарати бор. Ушбу тадбирни тизимли тарзда ташкил этишда отряд усули жорий этилган. Марказлашган тартибда ишчи эритмасини тайёрлаш ва отряд таркибидаги пуркагичларга етказиб бериш механизми аниқ ишлайди.

Ғиёс Мадаминов раҳбарлик қилаётган “Мадаминжон боғи” фермер хўжалигининг 30 гектарлик даласига кимёвий препарат сепилаётган паллада бир муддат ишнинг боришини кузатдик. Отряд раҳбари Маъмиржон Исомиддинов гуруҳнинг ишини зийраклик билан кузатиб бормоқда. Механизатор Озодбек Раҳматуллаев бошқараётган штангали пуркагичдан ишчи эритмаси бамисоли туман кўринишида ғўза баргларига бериляпти. Ишчи эритмасининг юқори босим билан оппоқ туман каби сепилиши иш сифатини 100 фоиз кафолатлайди.

Вилоятда пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан ташкил этиш бўйича бўлиб ўтган тадбирда ҳам дефолиациянинг муҳимлиги яна бир бор таъкидланди. Шу кунларда 309 та ОВХ, 1500 донадан зиёд қўл аппарати ғўза дефолиациясига жалб этилган. Вилоят бўйича 96 та отряд мавжуд бўлиб, унинг ҳар бирига ўртача 700 гектардан ғўза майдони тўғри келади. 39 та ишчи эритмасини тайёрлаш ва 54 та тарқатувчи шохобча фаолият кўрсатмоқда.

Муҳими, ғўза дефолиациясига фермерлар эътиборининг юқорилиги боис, мазкур тадбир ҳеч қандай қийинчиликсиз ўз ижросини топмоқда.

**Қобилжон АСҚАРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

▼ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ – 2014

# ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

## ПОЙТАХТИМИЗДА ЭРКИН, ЮНОН-РУМ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР КУРАШИ БЎЙИЧА КАТТАЛАР ЎРТАСИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БОШЛАНДИ

Шу кунларда жаҳон спорт жамоатчилиги ва кураш мухлисларининг эътибори пойтахтимизга қаратилган. Бутунжаҳон кураш иттифоқи (UWW), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ва мамлакатимиз спорт курашлари ассоциацияси томонидан ташкил этилган нуфузли мусобақада 100 дан ортиқ давлатдан 800 нафардан зиёд спортчи 24 вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашмоқда.

Ушбу жаҳон чемпионатига мезбонлик қилиш учун Ўзбекистон, Швеция, Финляндия, Венгрия, Хорватия, Польша, Эрон, Озарбайжон каби қатор давлатлар даъвогарлик қилган эди. Бутунжаҳон кураш иттифоқи Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган спорт турларини ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётганини, мамлакатимизнинг нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш борасидаги бой тажрибаси ва имкониятлари, замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини эътироф этиб, мазкур жаҳон чемпионатини Тошкент шаҳрида ўтказишга қарор қилди.

Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси томонидан чемпионатни юқори савияда ўтказиш, мусобақа ташкил этиладиган жойнинг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш, зарур жиҳоз ва ускуналар билан жиҳозлаш бўйича изчил иш олиб борилди.

Пойтахтимизда 8 сентябрь куни эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Бадиий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар республика ихтисослашган олимпия захиралари спорт мактаби меҳмонлар, спортчилар ва мухлислар билан гавжум.

(Давоми 2-саҳифада)

# ДУНЁ ПОЛВОНЛАРИ ТОШКЕНТДА БЕЛЛАШМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Чорлов садолари остида майдонга жаҳон чемпионати иштирокчилари кириб келади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янграйди.

Мусобақа очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, Ватанимиз обрўсини янада юксалтиришнинг муҳим омили бўлган спортни ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айлангани алоҳида таъкидланди. Бу жараёнда Олимпия спорт турларини янада оммалаштириш, жаҳон майдонларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир спортчиларни тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Ўзбекистонда спорт жадал ривожланмоқда, – деди Бутунжаҳон кураш иттифоқи президенти Ненад Лалович. – Мамлакатингиз халқаро спорт анжуманларини юксак савияда ташкил этиш бўйича катта тажриба ва барча шароитга эга экани таҳсинга сазовор.

Дарҳақиқат, бугунги Ўзбекистон юксак спорт салоҳиятига эга мамлакатдир. Юртимизда қатор спорт турлари бўйича жаҳон ва қитъа чемпионатлари, нуфузли халқаро турнирлар мунтазам ташкил этилаётир.

Спортчиларимиз барча нуфузли мусобақалар – Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида юқори натижаларга эришиб келмоқда. Ўзбекистонлик кураш усталарининг Олимпия ўйинларида 4 олтин ва 3 кумуш медални қўлга киритгани бунинг далилидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши билан шуғулланаётганлар 25 минг нафардан ошди. Шундан минг нафардан зиёди хотин-қизлардир. Истеъдодли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш спортдаги ютуқларнинг муҳим омили бўлмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 24 сентябрдаги қарори билан ташкил этилган Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактабида ёш спортчиларнинг шуғулланиши, жисмоний, техник-тактик имкониятларини ошириб бориши учун барча шароит яратилган.

Мазкур спорт турларининг мамлакатимизда жорий қилинган уч босқичли спорт ўйинлари – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари дастурига киритилгани нуфузли мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир янги истеъдод эгалари кашф этилишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон спорт курашлари ассоциацияси томонидан спортчиларнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратилмоқда. Шу билан бирга, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича терма жамоаларга янги истеъдодларни жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бунинг натижасида спортчиларимизнинг халқаро майдонда қўлга киритаётган ютуқлари салмоғи йилдан-йилга ошиб бораётир. Жорий йилги спорт мавсумида ўзбекистонлик курашчилар АҚШ, Канада, Латвия, Озарбайжон, Россия, Туркия, Қозоғистон каби давлатларда ўтган халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этди.

Қозоғистонда ташкил этилган Осиё чемпионатида юртдошларимиз битта олтин, битта кумуш ва учта бронза медални қўлга киритди. Таиландда ўтказилган ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ўзбекистонлик ёш полвонлар 1 олтин, 1 кумуш ва 11 бронза медалга эга бўлди. Мўғулистонда ёшлар ўртасидаги қитъа чемпионатида муносиб иштирок этган Ислом Баҳромов олтин, Сирожиддин Ҳасанов ва Зуҳра Отамуродова кумуш, Далер Раҳматов ва Абдурасул Ваҳобов бронза медални қўлга киритди.

Хорватиянинг Загреб шаҳрида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Маҳмуджон Шавкатов иккинчи ўринни эгаллади.

Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида умидли полвонимиз Илҳом Баҳромов шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиб, мамлакатимизда тажрибали полвонларимизга муносиб издошлар етишиб чиқаётганини исботлади.

...Пойтахтимизда бошланган жаҳон чемпионатида Ватанимиз шарафини Ихтиёр Наврўзов, Рашид Қурбонов, Элмурод Тасмуродов, Рустам Ассакалов, Аброр Мамасолиев ва Холбозор Норбоева сингари тажрибали полвонларимиз билан бирга ёш истеъдод эгалари ҳам ҳимоя қилмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов иштирок этди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**



ЎзА фотомухбири Муҳаммад АМИН олган сурат.

*Пойтахтимизда бошланган эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатида дастлабки ғолиб ва совриндорлар маълум бўлди.*

*Нуфузли мусобақанинг эркин кураш бўйича вазни 70 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида ҳамюртимиз Бекзод Абдураҳмонов бронза медални қўлга киритди.*

Жиззах Вилояти

**Жиззах вилоятининг Фориш туманида мамлакатимизда қоракўлчиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган республика ўқув анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидаги қоракўлчиликка ихтисослашган хўжаликлар вакиллари ҳамда илмий-тадқиқот институтларининг мутахассислари иштирок этдилар.**

# ЯЙЛОВ ХАЗИНАСИ «КЎЗ»ЛАРИНИ ОЧИБ...

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда “Ўзбек қоракўли” компанияси ташаббуси билан уюштирилган анъанавий анжуманда қоракўл зотли қўй ва эчкилар генофондини сақлаш, қоракўлчилик хўжаликларида наслчиликни такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, соҳада илғор тажрибаларни қўллаш ва замонавий технологиялардан фойдаланиш ҳамда яйловлар сифатин яхшилаш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Айни вақтда республикамизнинг еттита ҳудудида 103 та ширкат хўжалигида 1 миллион 700 мингга яқин қоракўл зотли қўйлар парваришланмоқда, – дейди “Ўзбек қоракўли” компанияси раисининг ўринбосари Азамат Ҳамроев. – Улар учун 8 миллион гектар яйлов ажратилган. Яйловларнинг ҳолатини яхшилаш, қоракўл зотли қўйлар сонини ошириш, тери сифатини халқаро андозаларга мослаш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда. Бугунги тадбиримизда ҳам бунга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жумладан, яйловлардан самарали фойдаланиш, озуқабоп экинларни кўпайтиришдек вазифалар белгилаб олинди.

— Бир бош қўй учун 3 гектар яйлов зарур, — дейди Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Насрулло Бобоқулов. — Мамлакатимизда хусусий чорва молларининг кўпайиб бораётгани айрим ҳудудларда бу меъёрнинг бузилишига олиб келмоқда. Натижада яйловларда ўсимлик турлари ва миқдори камаяётир. Бунинг олдини олиш мақсадида яйловлардан тизимли фойдаланиш чоралари кўрилиши лозим. Институтимиз ташаббуси билан уруғчилик хўжаликлари юзага келтириляпти. Айни вақтда изень, терескен, саксовул, черкез каби озуқабоп ўсимлик уруғларини кўпайтириш мақсадида Навоий вилоятининг Нурота туманида 38 гектар, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида 28 гектар майдонда иш олиб борияпти. Жорий йилда қоракўлчилик хўжаликларига қарашли 260 гектар яйловга озуқабоп экинлар уруғи қадалиши мўлжалланган. Бу иш октябрь ва ноябрь ойларида, яъни ёмғирлар ёғиши бошланиши олдидан ерни ҳайдаш ва уруғ сепиш йўли билан амалга оширилади. Мазкур тадбир экологиянинг яхшиланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ерга бир марта уруғ қадалса, у чорвадорга 40 йил хизмат қилади. Озуқанинг кўплиги қоракўл зотли қўйлар сонини ошириш, тери сифатини яхшилашнинг бош омилидир. Шу боис, бу борада қоракўлчилик хўжаликлари яйловлар шароитини яхшилашга изчил киришишлари лозим.

Анжуман давомида ветеринария хизмати томонидан чорва молларида учрайдиган касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича маълумотлар берилди. Шунингдек, бу йўналишдаги тиббий ускуна ва воситалар намойиш этилди.

— Вилоятимиздаги барча ветеринария лабораториялари 34 хилдаги дори воситалари билан узлуксиз таъминланаяпти, — дейди Жиззах вилояти Давлат ветеринария бошқармаси эпизоотик отряди бошлиғи Абдумурод Холмирзаев. — Оқсил, куйдирги, чечак, қўтир, қорасон, липтоспироз, бруцеллоз, Қрим-Конго геморрогик иситмаси каби юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида чорвачилик хўжаликларига тегишли бўлган ва хусусий чорва моллари бепул эмланмоқда. Айниқса, қўшни республикалар билан чегарадош ҳудудларга алоҳида эътибор қаратганмиз.

Анжуман давомида қоракўл зотли қўйлар ҳамда эчкилар генофондини сақлаш, насл хусусиятларини такомиллаштириш, имкониятлардан унумли фойдаланиш, барча наслчилик заводлари ва хўжаликларида дағал хашак жамғариш, қоракўл зотли қўйларни бўрдоқига боқиш, тери ва гўшт ишлаб чиқариш мавзуларида маърузалар тингланди. Бундай тадбирлар соҳа ривожига ижобий таъсир ўтказиши шубҳасиз.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Хоразм Вилояти

2014 ЙИЛ — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ

# МАЛАКАЛИ ХИЗМАТДАН МИЖОЗЛАР МАМНУН

**Истиқлол йилларида аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатишни замон талаблари даражасига кўтариш мақсадида шифохоналар учун кўплаб янги бинолар қурилди, мавжудлари таъмирланмоқда ва малакали тиббиёт ходимлари билан таъминлашга диққат-эътибор қаратилмоқда.**

— Мустақиллик йилларида туманимиздаги тиббиёт муассасалари хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар билан жиҳозланмоқда, — дейди Боғот тумани тиббиёт бирлашмаси Марказий шифохонаси шошилинч тиббий ёрдам бўлими мудири, II даражали “Соғлом авлод учун” ордени соҳиби Нурулла Бекчанов. – Шифохонамизга 2011-2013 йиллар мобайнида 41 турдан зиёд 70 га яқин замонавий тиббиёт ускуналари ўрнатилди. Бу жараён жорий йилда ҳам давом эттирилмоқда. Жумладан, бўлимимизга лапараскопик хирургия жамланмаси, рентген, сунъий нафас олдириш ва бошқа кундалик фаолиятда зарур бўлган 28 турдаги 33 та сўнгги русумдаги тиббиёт ускуналари келтириб ўрнатилди. Бунинг касалликларни аниқлаш ва даволашдаги аҳамияти катталигини айтиб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Эндиликда одамларимиз шифо истаб, вилоят маркази ва бошқа жойларга қатнашдек ортиқча оворагарчиликдан деярли қутулдилар. 45 йилдан ошиқ вақт давомида кишиларимиз соғлиғини мустаҳкамлаш, уларни дарддан халос қилиш йўлида меҳнат қилган бўлсам-да, Истиқлол берган имкониятлар қалбимга фахр, юрагимга шодлик, билагимга куч ато этаётгандек. Шу боис, тажрибаларимни ёшларга ўргатиш, улар қалбида касбга садоқат ва инсоний фазилатларни тарбиялашни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ҳа, Нурулла ака Бекчанов қўли енгил, моҳир шифокорлардан. Яқинда Президентимиз Фармонига кўра у “Меҳнат шуҳрати” ордени билан мукофотланди.



— Устозим Юсуфбой Хўжаниёзов инсоний фазилатларни қадрловчи, аҳоли соғлиғини, улар хушнудлигини ҳамма нарсадан устун қўювчи шифокор эди. Унинг берган ўгитлари ҳамон қулоғим остида жаранглаб тургандай, — дейди тажрибали шифокор суҳбатимиз давомида.

Ҳақиқатан ҳам тиббиёт фанлари номзоди, стоматология соҳасида узоқ йиллар фаолият кўрсатган Латифжон Бобожонов, Рустам Қурбонов, жарроҳ Нурулла Бекчановлар ўзига хос мактаб яратган шифокорлардан. Бугунги кунда бу шифо масканида уларнинг Эркинбой Жуманиёзов, Юсуфбой Машарипов, Ҳамро Искандаров, Гуландом Отажонова сингари шогирдлари туман аҳлига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқдалар.

— Истиқлол йилларида соҳада бўлаётган ижобий ўзгаришлар Президентимиз кўрсатаётган эътибор ва ғамхўрликлар натижасидир, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Акмалбек Искандаров. — Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, шифохонамизни керакли ускуналар, дори-дармонлар билан таъминлаш, қишлоқ жойларида янгидан ҚВПлар ташкил қилиш масалаларига йилдан-йилга жиддий эътибор қаратилмоқда. Туман аҳолиси айни пайтда 146847 нафарни ташкил қилиб, унинг 42 минг нафарини 14 ёшгача бўлган болалар, 40,5 минг нафардан зиёдини туғиш ёшидаги аёллар ташкил қилади. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида 1 та марказий шифохона, 1 та кўп тармоқли туман марказий поликлиникаси, 18 та ҚВП, 1 та саломатлик маркази фаолият кўрсатмоқда. Шифокорларимизнинг кўпчилигини олий маълумотли ва юқори малакали мутахассислар ташкил қилади.

Туманда даволаш, профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, шифо масканлари Японияда ишлаб чиқарилган замонавий рентген аппаратлари, 2 та датчикли УТТ аппарати, УКГ, автоклав, шприцли сўрғич, совиткич, 3 та датчикли УУТ аппарати, бемор олди монитори, пульсоксиметр, гастрофиб-роскоп, центрофуго аппаратлари билан таъминланди. 2011-2013 йилларда туман тиббиёт бирлашмасида 4,7 миллиард сўм амалдаги йилнинг 6 ойида 2 миллиард сўмлик қурилиш ишлари бажарилди. Натижада ҚВПларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланмоқда. “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда. Болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, эмлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғибот қилиш ишлари намунали йўлга қўйилган.

**Холмурод ҚУРБОНОВ**

Самарқанд Вилояти

**Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Тўрақул Хўжақулов 2012 йили Жомбой туманида “Гала Осиё нони” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этиб, 160 гектар майдонда 13 навли интенсив олма кўчатлари парваришини бошлаган эди. Ўтган даврда жамият аъзолари боғни интенсив агротехнологиялар асосида парвариш қилишди.**

# ИНТЕНСИВ БОҒДАН МЎЛ ҲОСИЛ

— Ўтган йили боғимиз гектаридан ўттиз-қирқ центнердан ҳосил берди, — дейди боғ ҳосилоти Насим Тўрақулов. — Бу бизнинг шижоатимизни янада ошириб юборди.

Айни пайтда 505 гектар майдонда гилос, нок, ўрик каби мева дарахтларини парвариш қилаётирмиз, унинг 220 гектарини олмазор ташкил қилади.

Ҳозирда тайёр бўлган мўл ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Уларни сифатли сақлаш, қишда ҳам харидорларга сархил маҳсулот етказиб бериш мақсадида жамият томонидан 25 минг тонналик музлаткич қурилмоқда. Унинг биринчи линияси тез кунларда ишга тушади. 2015 йилдан эса тўлиқ фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

— Айни пайтда Жомбой тумани 3 та фермер хўжалиги ҳамда 4 та масъулияти чекланган жамиятида 1400 гектар майдонда интенсив боғлар парвариш қилиняпти,— дейди Жомбой тумани фермерлар кенгаши раиси Ботир Назаров. — Интенсив технология асосидаги боғларимиз бу йил яна 200 гектарга кўпайиши назарда тутилган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туман бўйича интенсив боғлар барпо этилган вақтда 20 нафар киши иш билан таъминланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 500 нафарни ташкил этмоқда. Шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари томонидан боғларга техник хизмат кўрсатиш учун 70 турдаги техника воситалари сотиб олинди.

Сирасини айтганда, интенсив боғлар — интенсив даромад манбаи ва озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтиришнинг муҳим омили эканлигини намоён этмоқда. Бу жараёндаги ишларнинг кўлами кенгаётгани эса аҳоли фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

**Нуриддин БОЛИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

Наманган Вилояти

ЮКСАЛИШ ОДИМЛАРИ

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР ИСТИҚЛОЛ ТУФАЙЛИ РЎЁБГА ЧИҚДИ

**“Тошбулоқ-Наманган” автомобиль йўлининг икки тарафи пахта далалари, сабзавот пайкаллари, боғлар бўлиб, гуллар шаҳридан қишлоқларга йўл олган ҳар қандай кишининг нигоҳи бепоён далаларга тушади. Улкан яратувчанлик ишқи билан фидойилик кўрсатаётган инсонларнинг матонатли меҳнат намуналарига беихтиёр гувоҳ бўлади.**

Жорий йилда Наманган туманидаги фермерларнинг фидокорона меҳнати туфайли 5370 гектар ғалла майдонидан 28610 тонналик буғдой хирмони бунёд этилди. Ҳосилдорлик гектарига 60,4 центнерни ташкил этди. Тумандаги Олимжон Исаев раҳбарлик қилаётган “Барака”, Илҳомжон Зиёвиддинов етакчилигидаги “Навбаҳор намунаси”, Сайдулла Абубакиров бошчилигидаги “Олтин замин ифтихори” каби бир қатор илғор фермер хўжаликлари бошқаларга ибрат бўлди. Ғаллачиликда эришилган меҳнат мувафаққияти пахтачилик соҳасига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. 195 та фермер хўжалиги томонидан 6650 гектар майдонда ғўзанинг “Андижон-35”, “С-6524”, “Порлоқ” каби истиқболли навлари юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилинмоқда. Айни пайтда қийғос очилаётган пахталар ҳосилнинг мўл бўлганидан далолат беради.

Туман маркази Тошбулоқ шаҳарчасига кириб борар экансиз, йўлнинг икки тарафидаги бир-биридан кўркам ва замонавий турар-жой, савдо-сотиқ ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эътиборингизни тортади. Мустақиллик йилларида Тошбулоқ ҳар тарафлама ривожланиб, озод юртимизнинг обод масканларидан бирига айланди. Оддий қишлоқдан шаҳар мақомига эга бўлди. Аҳолининг турмуш даражаси ошиб, яшаш тарзи шаҳар аҳолиси билан тенглашди. Шаҳар марказида янгитдан қад ростлаган “Бахт уйи”нинг кўркам биноси Тошбулоқ ҳуснига ўзгача чирой бағишлаб юборди.

— Умумий қурилиш қиймати 410 миллион сўм бўлган янги “Бахт уйи” биноси қурилишини ўтган йили бошлаган эдик, — дейди “Наманган ишлаб чиқариш қурилиш базаси” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ҳусниддин Яҳёев. — “Бахт уйи” ўз номига муносиб бўлиши учун зиммамизга юклатилган масъулиятли вазифани ҳис этиб меҳнат қилдик. Бу борада иш юритувчи Абдумажид Ёқубов, қурувчилар бригадаси бошлиғи Ғуломжон Обидов, ишчилардан Шамсиддин Шералиев, Равшанбек Усмонов, Тоҳиржон Маъмуров ва бошқалар ғайрат-шижоат кўрсатиб меҳнат қилишди. Айни пайтда улар “Ирвадон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилаётган Орзу шаҳарчаси қурилишида фаол иштирок этишмоқда.



Орзу маҳалласи Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси юзасидан намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилмоқда. Айни пайтда бу ерда бўлган киши ўзини беихтиёр улкан қурилишлар майдонига тушиб қолганлигини ҳис этади. Чунки янгитдан барпо этилаётган аҳоли масканида намунавий лойиҳалар асосида 260 та турар-жой бинолари қад ростламоқда.

Айни пайтда қурилиш майдонида электрлаштириш, газлаштириш, ичимлик суви тармоқларини тортиш ишлари бир-бирига боғлиқ ҳолда узвий равишда олиб борилмоқда. Эътиборимизни янги маҳалла гузарида бунёд этилаётган маҳалла фуқаролар йиғинининг маъмурий биноси, иссиқ нон ишлаб чиқариш цехи, минимаркет, минибанк каби аҳолига хизмат кўрсатиш бинолари жалб этди. Бундан ташқари, 420 ўринга мўлжалланган умумтаълим мактаби ҳамда 140 ўринли болалар боғчасининг қурилиб, фойдаланишга топширилиши ҳам орзуликларга қулайлик яратади. Мактаб ҳудудига яқин жойдан соғломлаштириш маркази ташкил этилиб, сунъий қопламали минифутбол майдони барпо этилаётганлиги маҳаллада соғлом авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

— Ўтган йилларда туманимизда 547 та бир-биридан чиройли ва яшаш учун қулай турар-жой бинолари қад ростлади, — дейди туман ҳокими Жавлонбек Йўлдошев. – Бунинг натижасида шаҳар қиёфасига эга бўлган янги қишлоқ ва маҳаллалар пайдо бўлди. Энг қувончлиси, ана шундай масканларнинг бирига давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2011 йилнинг 30 сентябрида ташриф буюриб, нўғайкўрғонликлар билан самимий суҳбатлашди. Бундан туманимиз аҳли ҳозиргача фахрланади.

Ҳа, эзгу орзулар рўёбга чиқмоқда. Янги шаҳарча аҳолиси бу жойни “Орзу” деб номлади.

Орзу шаҳарчасидан қайтаётиб яратувчанлик ишқи билан изланиб яшаётган Наманган тумани аҳлининг Энг улуғ, энг азиз байрамимизни муносиб меҳнат тухфалари билан қарши олганлигининг гувоҳи бўлдик. Улар таъкидлаганидек, эришаётган барча ютуқлар замирида Истиқлол имкониятлари мужассамдир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**

*Ташкилотлар ва корхоналар диққатига !*

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

**Сурхондарё вилояти Шўрчи туманидаги "Маданият ва дам олиш маркази" биносини мукаммал таъмирлаш.**

**Объектнинг бошланғич нархи:** *қўшилган қиймат солиғи билан бирга* – 189,919 млн.сўм, *қўшилган қиймат солиғисиз* – 158,265 млн.сўм,

**Қурилиш муддати** – 90 кун.

**Буюртмачи:** Сурхондарё вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Термиз шаҳри А.Бакуменко кўчаси 5-уй. Тел. (8-376) 221-49-71, 221-49-80, 221-49-85 факс.

Объектларнинг қурилиш ишларини молиялаштириш – Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказиладиган танлов савдоларига фақат "Қурилиш - пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган қурилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПК-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Давархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳар А.Темур кўчаси 69-уй, Телефон/Факс: (8-376) 221-44-73, 221-44-76 ф.

**Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи** - 70 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиши куни ва соати.

